

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

УМИДУЛЛАЕВ ҚАҲРАМОН УСМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Умидуллаев Қахрамон Усманович

Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари..... 3

Умидуллаев Қахрамон Усманович

Теоретико-правовые основы оценки эффективности деятельности органов местной исполнительной власти в Узбекистане..... 21

Umidullaev Kakhramon Usmanovich

Theoretical and legal foundations of performance evaluation of activities of local executive bodies in Uzbekistan..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

УМИДУЛЛАЕВ ҚАҲРАМОН УСМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ү127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамедов Иса Ахлиманович
юридик фанлар доктори, профессор

Раҳманов Акмал Эргашевич
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ү1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «11» октябрь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «27» сентябрда тарқатилди.

(2019 йил «27» сентябрдаги 23 рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлат бошқаруви органларининг самарали ва шаффоф фаолият юритишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятига аниқ мезонлар асосида ҳолис ва асослантирилган баҳо бериш тизимини жорий этишга қаратилган сиёсат кенг миқёсда олиб борилмоқда. Хусусан, БМТнинг тараққиёт дастури, ривожланиш қўмитаси ҳамда Жаҳон Банки томонидан 190 дан ортиқ мамлакатлар ва уларнинг бошқарув органлари фаолияти мезонлар асосида баҳолаб борилмоқда. Шу билан бир қаторда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими йўлга қўйилган.

Жаҳонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мезонлар асосида баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. XX асрнинг 90 йилларида дастлаб англосаксон давлатлари бошқарувида жорий этилган бу янги тизим ҳозирда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари амалиётида қўлланилмоқда. Ривожланган давлатларнинг аксарияти давлат бошқарув органлари, хусусан, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашда тизим имкониятларидан самарали фойдаланишмоқда. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш баробарида, масъулиятни кучайтириш мақсадида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби жорий этилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш»¹ белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Парламенга мурожаатида «Бугун бирорта идоранинг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган аниқ мезон йўқ. Масалан, ҳозирги кунгача мен Иқтисодиёт вазирлиги ёки бошқа бирон вазирлик фаолиятига қайси мезонлар бўйича баҳо берилишини билмайман. Шунинг учун вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар прогноз кўрсаткичларни белгилашда ўз фаолиятида кутилаётган натижаларнинг аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим»² деб таъкидлагани тизимнинг муҳимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга

¹Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // <http://www.lex.uz>

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 29.

доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3182-сон, 2018 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4102-сон қарорлари, 2017 йил 8 сентябрдаги «Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5185-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари хайъатларининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 855-сон, 2017 йил 8 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 973-сон қарорлари ва мавзуга тегишли бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу диссертация ишини ёзиш давомида юртимиз ва хорижий олим ва мутахассисларнинг мавзуга оид фикр ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланилди. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ташкилий ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масалалари юзасидан А.Х.Саидов, Г.С.Исмаилова, Ж.Ў.Тошқулов, И.Т.Гультеев, О.Т.Хусанов, Х.Т.Одилқориев, Х.И.Рузметов, Ш.Ғ.Асадов, Ш.Х.Файзиев¹ ва бошқа олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

Хусусан, профессор О.Т.Хусанов «Демократик давлатда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланиши, шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти органларига масъулиятли вазифаларнинг юкланиши, уларни жойлардаги давлатнинг бу борадаги ҳамма функцияларини бажара олиш қобилиятига эга орган даражасига айлантириш давлатчилигимизнинг муҳим йўналишларидан бири»² деган муҳим ва ўринли фикрни илгари сўради.

Хорижий олимлардан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий-методологик масалалари бўйича А.Б.Венгеров, А.Дегтярев, А.Ketelaar, А.П.Геврасёва, А.И.Тихомиров, А.К.Бочарова, I.Pownall, Б.Л.Хесин, В.Лазарева, Г.Атаманчук, G.Allison, G.Stoker, D.Osborne, И.Н.Барциц, Т.Taylor, Е.Масленникова, Е.Дамодаран, Ж.Кенел, L.Schroeder, М.И.Байтин, М.Ј.Наттон М.Г.Решетникова, М.Mariana, N.Manning, О.Mohamed,

¹Олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

²Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 80.

P.A.Sabatier, P.S.Kim, R.B.Denhardt, С.В.Пронкин, С.И.Неделько S.Michael, X.Волман¹ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари ўрганилди.

Хусусан, шу соҳада тадқиқот олиб борган Ж.Кенелнинг фикрига кўра, давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш орқали мамлакатнинг сиёсий ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади. Натижалар таҳлили асосида баҳолаш сиёсий қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиётининг муҳим элементи ҳисобланади.² М.Г.Решетникова ва И.В.Быковларнинг фикрича, баҳолаш турлари ичида, жамоатчилик фикри энг объектив баҳолашдир.³ Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган А.К.Бочарова ўзининг «Механизм оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации»⁴ номли ишида тизимнинг афзалликлари, унинг механизми ва мезонлари тўғрисида илмий асосланган хулосалар берган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари, Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш муаммолари илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий-методологик асосларини такомиллаштириш ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлиги тушунчасини ёритиб бериш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тушунчасини таҳлил қилиш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

¹Олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

²Кенел Ж. Оценка и аудит программ: сходства и различия // Оценка программ: методология и практика / под ред. А.И. Кузьмина, Р. О'Салливан, Н.А. Кошелевой. – М.: Престо-РК, 2009. – С. 30.

³Решетникова М.Г., Быков И.В. Трансформационные процессы в системе государственного управления: становление и развитие новой модели управления регионом, Опубликовано в журнале, Менеджмент в России и за рубежом №1, 2009. – С 62-63.

⁴Бочарова А.К. Механизм оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации: препринт WP14/2012/05 [Текст] / А.К. Бочарова; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012. – С. 19-22.

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш борасидаги ҳуқуқий муаммоларнинг ечими борасида асослантирилган таклифлар бериш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аҳамиятини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид фикрлар, назариялар, амалиёт ва қонун ҳужжатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида ижтимоий фанлар, хусусан, ҳуқуқий фанлар учун умумий бўлган тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, кузатиш, комплекс ёндашув, тизимли-структурали, тарихий, мантиқий ва тадқиқот олиб боришнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вилоят, туман, шаҳар ҳокими зарур бўлган ҳолларда ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этиши лозимлиги асослаб берилган;

ҳудудларда янги доимий иш ўринлари яратиш ҳамда 18-60 ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминланганлик даражасини маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш мезони сифатида белгилаш муҳимлиги асослаб берилган;

халқ билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган муаммоларни бевосита шаҳар ва туман раҳбарлари томонидан ҳал этилиши даражасини уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида олиниши аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришнинг самарали усули эканлиги асослаб берилган;

ҳудудларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларига келиб тушаётган мурожаатлар кўрсаткичи ҳамда уларнинг ижобий ҳал қилиниши даражасини баҳолаш мезони сифатида белгилаш жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифатини яхшилашга хизмат қилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ мақсадлари белгилаб берилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ўрганилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалиёти мамлакатнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган сиёсатни таъминлаши асослаб берилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг боришини кузатишни осонлаштиришга, жараёнларнинг очик

ва ошкоралигини таъминлашга ҳамда аниқ хулосалар қилишга замин яратган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш республиканинг барча ҳудудларини баравар ривожлантиришга хизмат қилиши асослаб берилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалиётида рағбатлантириш ёки йўл қўйилган камчиликлар учун тегишли чоралар кўриш имконияти кенглиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган илмий адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинган. Улар тадқиқот ишида Низом талаблари асосида ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосаларда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш бўйича тизим ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва тажрибаси қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий, ташкилий-методологик асосларини такомиллаштиришда ҳамда ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан амалдаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, давлат бошқарув органлари, вазирлик ва кўмиталар учун услубий қўлланмалар тайёрлаш, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Маъмурий ҳуқуқ» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этиши тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига киритилган қўшимчаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2018 йил 15 февралдаги 06/1-05/2186 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ҳокимлар фаолиятдан аҳоли бевосита хабардор бўлиши ҳамда ҳудудга тегишли масалаларни ҳамкорликда ҳал этишнинг янги шаклини яратишга хизмат қилган;

ҳудуд раҳбарлари томонидан янги иш ўринлари яратиш ҳамда 18-60 ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланганлик

даражасини яхшилаш борасида бажарган ишлари учун рағбатлантириш мақсадида уларнинг фаолиятини баҳолаш мезони сифатида бегилаш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сон қарори билан тасдиқланган баҳолаш кўрсаткичларининг I қисм 1.14-банди ҳамда II бўлим 2.2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 июлдаги БУ-1-8/20-94-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

халқ билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган муаммоларни бевосита шаҳар ва туман раҳбарлари томонидан ҳал этилиши даражасини уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида олиниши аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришнинг самарали усули эканлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сон қарори билан тасдиқланган баҳолаш кўрсаткичларининг VI бўлим 6.1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 июлдаги БУ-1-8/20-94-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар халқ билан бевосита мулоқот жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасидаги ишлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигига баҳо беришда уларга келиб тушаётган мурожаатлар кўрсаткичи ҳамда уларнинг ижобий ҳал қилиниши даражасини уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сон қарори билан тасдиқланган баҳолаш кўрсаткичларининг II қисм 1 ва 2 бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 9 июлдаги БУ-1-8/20-94-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ҳудуд раҳбарлари фаолияти самарадорлигини оширишга, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига қилинаётган мурожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилашга ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 3 та халқаро, 5 та республика конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий нашрлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 7 та мақола, 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида самарадорлик, мезон, баҳолаш тушунчалари**» деб номланган бўлиб, унда самарадорлик, мезон, баҳолаш тушунчалари, уларнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва тарихи ёритиб берилган.

Юртимизда қадимдан давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг амалий ва назарий-ҳуқуқий асосларини таъминлашга қаратилган вазифаларга алоҳида этибор қаратилган. Абу Наср Форобий, Амир Темур, Низомилмулк, Алишер Навоий, Хожа Самандар Термизий асарларида миллий давлатчилигимиз тарихи, хусусан, «давлат раҳбари» «вазир», «ҳоким» каби асосий давлат вазифалари, уларга қўйилган талаблар, вазифага тайинлашда талаб этиладиган фазилатлар, уларнинг фаолиятига баҳо бериш ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориев «Амир Темур давлатида даргоҳ, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини Олий девон назорат қилган. Олий девоннинг аҳамияти шу қадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир: яъни, ижроия идоралари номидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда молия вазири ҳозир бўлиб, ҳисобот бериб борган»¹ деб таъкилайди.

Шунингдек, Бухоро амирлигида «ўроқи хурд»² деб номланган лавозим жорий этилган бўлиб, бу лавозим эгаси ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида шахсан амирга маълумот етказиб турган. Амир ўроқи хурддан олган маълумотига асосланиб, бек ва ҳокимлар фаолиятига баҳо берган, уларга жазо ёки мукофот тайинлашда ўзига ҳос мезон вазифасини бажарган.

Замон давлат ва жамиятнинг барча соҳалари қаторида, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигига аниқ баҳо беришни талаб этмоқда. Шу ўринда маҳаллий ижро ҳокимияти органларида самарадорлик, мезон, баҳолаш тушунчаларига изоҳ бериш ўринлидир.

¹Одилқориев. Х. Т, Азизов. Н. П, Мадримов. Ҳ. Р. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т., 2013. – Б. 160-163.

²Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843, – С.189.

Самарадорлик – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган умумий тушунчадир. «Самарадорлик» лотинча «effictions» сўзидан олинган бўлиб, давлат бошқаруви тизимига нисбатан тизимнинг самарали фаолият юритиши салоҳияти ва ҳақиқий натижаларининг тавсифи сифатида қаралиши керак.¹ Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцеваларнинг фикрига кўра, самарадорлик кенг маънода ишнинг натижадорлигини тавсифловчи тушунча ҳисобланади. У инсон фаолиятининг барча соҳаларида иқтисодиётда, фан ва техникани ривожлантиришда, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида қўлланилади.²

Самарадорлик моҳиятини аниқлаш учун бир қанча назарий ва услубий ёндашувлар мавжуд. Давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда ушбу тушунча мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши билан изоҳланади. Бизнинг фикримизга кўра, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг самарали фаолияти мамлакат тараққиёти ва ривожланиш даражаси билан баҳоланади. Самарали фаолият – тизимли, аниқ мақсадга қаратилган фаолият асосида режалаштирилган натижага эришиш, самарадорликни оширишдир. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти хусусида асосли хулосалар чиқариш учун уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

«Мезон» юнонча «kriterion» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида бирор нарса, ҳодиса ёки фаолиятга баҳо бериш, хусусиятларини аниқлаш унинг таснифи, ўлчови деган маънони билдиради. «Критерия» атамасининг ўзбекча маъноси «мезон» сўзини англатиб, тарози, ўлчов деган маъноларда ишлатилади. «Болгариялик олим М.Марков «мезон» атамасига тўхталиб, уни буюм ёки ҳодиса ҳақида хулоса чиқариш, унинг табиатини аниқлаш, таснифлаш, ўлчаш, имконини берувчи белги сифатида баҳолайди.³ И.А.Тихомиров бу борада баҳолаш мезонлари маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш, маҳаллий бошқарувнинг табиатини аниқлаш, уни сифат жиҳатидан таснифлаш имконини беради⁴ деб таъкидлайди.

Юқоридагиларга асосланиб, шуни таъкидлаш жоизки, мезон баҳоланаётган фаолият ёки жараённинг хусусиятини аниқлаш воситасидир. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштириб, «Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли талабларини кондириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган мезонларни танлаш ва улар асосида баҳо беришдир» деган таъриф берсак тўғри бўлади. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари уларнинг фаолияти натижаларини аниқлаш, стратегик мақсадларни белгилаш ҳамда қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Самарадорлик мезонлари

¹Геврасёва А.П. «Эффективность государственного управления» по дисциплине «Государственное и местное управление». Гомель 2015. – С. 2.

²Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. «Современный экономический словарь. - 6-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2017, – С.201.

³Марков М. Технология и эффективность социально управления. Аер с блог. – М., 1982. – С. 112.

⁴Тихомиров И.А. Административное право и процесс: – Полный курс. 2-е изд. – М.: Изд. 2008. – С. 452.

халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши ҳамда давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Россиялик ҳуқуқшунос олим И.Н.Барцицнинг фикрига кўра, баҳолаш унинг асосини ташкил этувчи хусусияти таснифи ва тавсифи ёки мезони орқали амалга оширилади.¹ А.Дамодараннинг фикрига кўра, баҳолаш тизимининг вазифаси – маҳаллий ижро ҳокимияти органлари иши самарадорлигини бир нечта аниқ кўрсаткичларга айлантириш ва бу кўрсаткичлар асосида ишларни кўзатиб боришдир. Самарадорликни мезонлар асосида баҳолашнинг муҳим жиҳатларидан бири барча учун тенг ва очиқ ошкора баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир.²

Назарий жиҳатдан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш – қарорларнинг натижаларини, манфаатларни, мақсадларни ва нормаларни ўз ичига олган мезонлар асосида таққослаш тартиби ҳисобланади. Баҳолаш тизимининг вазифаси – маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолияти самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар асосида кузатиб бориш ҳисобланади. Бизнингча маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш – уларнинг фаолияти самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омилларга тегишли маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва мезонлар асосида баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Баҳолаш тизими ушбу орган фаолиятини тартибга солиш, такомиллаштириш ҳамда натижадорлигини оширишга замин яратади. Қабул қилинаётган қарорларнинг аниқ мақсадларини бегилаб беради ҳамда ижросининг сифатли таъминланишига хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича халқаро ва хорижий тажриба**» деб номланган бўлиб, унда баҳолаш бўйича халқаро ҳамда айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Хусусан, С.И.Недельконинг фикрича, давлат бошқаруви амалиётида самарадорликни баҳолашнинг турли услублари мавжуд бўлиб, улар асосий икки гуруҳга: Давлат бошқаруви сифатини баҳолаш бўйича халқаро услублар ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг миллий услубига бўлинади. Халқаро услубар давлатларнинг бошқарув соҳасидаги вазиятини ўзаро таққослаш имконини беради. Миллий услублар давлат бошқаруви тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган муайян давлатларда қўлланилади. Давлат бошқаруви сифатини мониторинг қилиш ҳар бир мамлакатда миллий даражада, мамлакатлараро эса турли халқаро ташкилотлар томонидан жаҳон миқёсида амалга оширилади.³

Ҳозирда турли халқаро ташкилотлар томонидан давлат ва унинг бошқарув органлари фаолияти сифати ва натижадорлигини баҳолаш мунтазам ва кенг

¹Барциц И.Н. Показатели и критерии оценки эффективности государственного управления. – М.: 2010 – С. 8.

²Дамодаран А. «Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов», «Альпина Паблишер» – М.: 2018 – С. 24.

³Неделько С.И. и др. Мониторинг государственных и муниципальных услуг в регионе как стратегический инструмент повышения качества регионального управления: опыт, проблемы, рекомендации – М.: 2008. – С.321.

миқёсда олиб борилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки томонидан 1996 йилдан бошлаб 190 дан ортиқ мамлакат бўйича давлат бошқаруви сифати - давлат бошқаруви жараёнида муҳим қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг иштироки, давлат бошқаруви органларининг ҳисобдорлиги, сиёсий барқарорлик, давлат бошқаруви самарадорлиги, давлат сиёсатининг сифати, қонун устуворлиги, коррупцияга қарши курашиш даражаси¹ каби мезонлар асосида мониторинг олиб борилмоқда.

Баҳолаш бўйича халқаро амалиёт давлатларнинг ривожланишда, халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзининг самарасини бераётгани эътироф этилмоқда. Бу жаҳон миқёсида яхши тартибга солувчи таъсир кўрсатиб, йирик лойиҳаларни амалга ошириш, эътибор талаб қилаётган соҳаларни аниқлаш ва тегишли қарорлар қабул қилишда ахборот манбаи вазифасини бажаради. Мисол учун, Минг йиллик ривожланиш жамғармаси маблағларини ажратиш учун асосий ҳужжат вазифасини ҳам бажармоқда. Тизим жаҳон ҳамжамиятини бир бирига янада яқинлашувига ҳамда энг муҳим масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш имкониятини яратмоқда. Бошқарувнинг очиқ ва ошкоралигини, ҳукуматнинг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлигини, давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини, сиёсий жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу бобда Буюк Британия, Франция, Голландия, Янги Зеландия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа ривожланган давлатларда давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўрганилган. Хусусан, Буюк Британияда 100 дан ортиқ самарадорлик кўрсаткичларидан Бош вазирнинг ихтиёрига кўра 30-40 та энг муҳимлари танлаб олинади. Уларнинг назорати Вазирлар Маҳкамасининг самарадорликни таъминлаш бўйича департаментга берилади. Департамент ушбу режа бажарилишининг мунтазам равишда мониторингини олиб боради. Буюк Британияда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш билан бирга уларда фаолият юритаётган ходимлар фаолияти натижадорлиги ҳам баҳоланади.²

Франция ҳукумати ҳузурида 1999 йилда давлат органлари фаолиятини баҳолаш бўйича Миллий кенгаш тузилиб, давлат бошқаруви тизими фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ишлари йўлга қўйилди.³ 2002 йилда давлат бошқарувини ислоҳ қилиш жараёнида давлат идоралари ходимларини икки боқичдан иборат бўлган махсус баҳолаш тартиби жорий қилинган. Ҳар йили бир марта ўтказиладиган баҳоловчи интервью барча давлат хизматчилари учун мажбурийдир. Баҳолаш ходимларнинг бевосита раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

¹World wide Governance Indicators.<http://info.worldbank.org/governance/wgi/index.asp>.

²Ketelaar A., Manning N., Turkish E. Performance-based Arrangements for Senior Civil Servants OECD and other Country Experiences // OECD Working Papers on Public Governance, OECD Publishing, 2007. № 5. Pp. 28-59.

³Thoening J.C. Modernizing Sub-National Government in France: Institutional Creativity and Systemic Stability // State and local government reforms in France and Germany: divergence and convergence / V. Hoffmann-Martinot, H. Wollmann. Wiesbaden: Springer, 2006.

Голландияда давлат идоралари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизими 2005 йилда ишлаб чиқилган. Голландия матбуоти ҳар йили давлат хизматларини баҳолаш бўйича маълумотни эълон қилади. Натижалар мамлакат парламентига тақдим этилиб, у муайян вазирлик ёки идора учун тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади.¹ Голландия давлат бошқаруви органлари фаолияти ва ҳаёт сифати индекси бўйича жаҳон рейтингда етакчи ўринга эга бўлган давлатлардан биридир. Ушбу давлат Жаҳон банкининг бутунжаҳон мамлакатларида давлат бошқаруви сифати ва самарадорлиги бўйича йиллик глобал сўров натижаларига кўра 6 та кўрсаткич бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади.

Янги Зеландияда ҳам давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш амалиётига англосаксон давлатларида бўлгани каби XX асрнинг 90 йилларида ўтилди. Янги Зеландия давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлиги, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари даражаси, аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш даражаси бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Баҳолашни Давлат хизмати бўйича комиссия (State Services Commission) амалга оширади. Баҳолаш мезонларига раҳбарларнинг нафақат давлат органлари мақсадларига эришишдаги, балки умуман давлат хизмати тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссалари ҳам ҳисобга олинади.²

Америка Қўшма Штатларида 1993 йилда давлат бошқарув тизимини қайта ташкил этиш бўйича маъмурий ислохотлар бошланди. Шу йили Ҳукумат ишининг натижалари ва самарадорлиги ҳақида Қонун қабул қилинди. Унда давлат хизматчиларининг иш фаолиятини баҳолаш усуллари акс эттирилган.³ АҚШда давлат бошқарув органлари фаолиятига ҳужжатлар, интервьюлар олиш ва сўровлар ўтказиш орқали ҳам баҳо берилади.

Россия Федерациясида ижро органлари фаолияти «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жамғармаси» томонидан баҳолаб борилади. Федерация Президентининг 2007 йил 28 июндаги 825-сонли Фармони қабул қилинган.⁴ Шу йилдан бошлаб Президент қарори билан тасдиқланган 43 та кўрсаткичлар асосида баҳолаш бошлаган. Федерация ҳукуматининг 2009 йил 15 апрелдаги 322-сонли қарори билан самарадорликни баҳолаш методологияси, ҳисобот шакли ва кўрсаткичлари жаҳон стандартлари талабларига мос келиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Қозоғистон Республикасида 2005 йилдан Жаҳон банки тадқиқотлари натижалари ва тақлифлари асосида давлат бошқаруви органлари ва хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлар олиб борилган. Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 мартдаги 954-сонли Фармони асосан, шу йилдан бошлаб, давлат бошқаруви органлари ҳамда давлат хизматчиларининг фаолияти кенг қамровли баҳолана бошланди. 2011 йил

¹Нагимова А.М. Эффективность деятельности государственных органов управления как фактор повышения качества жизни в регионе: проблемы оценки и измерения. Казань: Казан. гос. ун-т, 2009. – С. 88.

²New Zealand State Services Commission: <http://www.ssc.govt.nz>

³Саламатина У.А. Административные реформы в зарубежных странах. 2013. № 12. – С. 143.

⁴Баженов О.В. Медная промышленность как объект анализа. Сильные и слабые стороны отрасли на примере российских предприятий // Дискуссия. 2013. № 5–6. – С. 56–61.

18 февралда «Давлат органларида самарадорликни баҳолаш маркази»¹ ташкил этилган. Жаҳон давлатлари тажрибасини ўрганиш давомида кўплаб амалиётчи ва олимларнинг фикр мулохазалари таҳлил қилинган. Амалиёт мазкур тартиб жорий этилган давлатларда ривожланиш кузатилагини кўрсатади. Тизимни юртимизда муваффақиятли жорий этиш учун жаҳон тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Бу янги ютуқларни ўзлаштириш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган бўлиб, унда бу борадаги ҳуқуқий муаммолар, уларнинг ечими, баҳолаш бўйича методологик тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тизимнинг қулайликлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида² давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш талаб қилинаётгани, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмаётгани, мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш белгилаб қўйилган. Жойлардаги муаммоларни ҳал этиш масаласи марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдига янги-янги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда. Бу давлат бошқарувини такомиллаштириш борасидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилиш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сонли қарорида³ ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини танқидий таҳлил қилишга асосланмагани, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаётгани таъкидланган. Юқоридагилар маҳаллий ижро ҳокимияти органлари олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қўймоқда. Белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалага оширилишини таъминлаш ишга янгича ёндашувни талаб этади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, қарор билан баҳолаш борасидаги талаблар тўлиқ ҳал этилмаган. Ҳаракатлар стратегиясининг 23-бандида ҳар чорак якуни бўйича Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш белгиланган. Уларнинг фаолиятини баҳолашда аҳоли ўртасида социологик

¹<https://zakon.uchet.kz/>

²«Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 9 сентябрдаги 180 (6874)-сон.

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 802-модда. (<http://lex.uz>)

сўровлар ўтказиш тартибини жорий этиш назарда тутилган бўлиб, қарорда ушбу талаб инобатга олинмаган.

